

11. Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар. “Садойи Фарғона” газетаси. 1914 йил 6 июн. 26-сон.

СОВЕТ ТУЗУМИ ДАВРИДА ҚАТАҒОН ОРГАНЛАРИ

КАРАТЕЛЬНЫЕ ОРГАНЫ В ПЕРИОД СОВЕТСКОГО РЕЖИМА

REPRESSIVE ORGANS DURING THE SOVIET REGIME

Абдуллаев Анвар

*Ажиниёз номидаги НДПИИнститутини “Тарих факультети”, “Тарих ўқитиш методикаси”
кафедраси доценти, т.ф.ф.д. (PhD)*

R.Xusainov

*Magistratura bo‘limi 70111101-ijtimoiy-gumanitar fanlarni o‘qitish metodikasi (Tarix)
mutaxassisligi 1-kurs magistri.*

Аннотация.

Мазкур мақолада қатагон органлари ичида халқни аёвсиз террор қилган инқилобий трибуналлар, Олий инқилобий трибунал ва унинг қошида ташиқил этилган фавқулодда тергов комиссиялари алоҳида рол ўйнаган. 1918 йил 18 ноябрда Туркистон марказий ижроий қўмитасининг инқилобий трибунали ташиқил этилган ва улар қошида тергов комиссияси ва айбловчилар хайъати ташиқил этилган.

Аннотация.

В этой статье среди репрессивных органов особую роль играли революционные трибуналы, Верховный революционный трибунал и созданные при нем чрезвычайные следственные комиссии. 18 ноября 1918 г. был учрежден Ревтрибунал ЦИК Туркестана, при нем учреждена следственная комиссия и суд присяжных заседателей.

Abstract.

In this article, the revolutionary tribunals, the Supreme Revolutionary Tribunal and the extraordinary investigation commissions established under it, played a special role among the repressive bodies. On November 18, 1918, the revolutionary tribunal of the Central Executive Committee of Turkestan was established, and under them, an investigative commission and a jury of accusers were established.

Калит сўзлар.

Совет ҳокимияти, қатагон органлар, инқилобий трибунал, тергов комиссия, Амударё бўлими, низом, суд палатаси, тергов комиссияси.

Ключевые слова.

Советская власть, репрессивные органы, революционный трибунал, следственная комиссия, Амударьинское управление, устав, судебная палата, следственная комиссия.

Key words.

Soviet power, repressive bodies, revolutionary tribunal, commission of inquiry, Amudarya administration, charter, judicial chamber, commission of inquiry.

Мустабид совет ҳокимияти ўз мавқеини сақлаш учун ҳар хил сиёсий органлар ташиқил этишда давом этган. XX асрнинг 20-йилларида ўлка сиёсий-ижтимоий ҳаётида, суд-ҳуқуқ тизимида ягона ҳуқуқий асос зарурлиги сезила бошланган.

1919 йил 7-ноябрда 73-сонли Туркистон Руспубликаси Марказий Ижроий Қўмитаси Совети декретига биноан, 1917-йил 25-октябргача жиноят ишлаганларнинг барчаси суд ва жазодан озод этилган, шунингдек тугатилган қози ва бий судлари томонидан жазога тортилганлар ҳам жазодан озод этилган. Мазкур қарор эълон қилингунга қадар, жиноятга ўлим жазоси берилган, қарордан сўнг умрбод қамоқ билан алмаштирилган. Аммо трибуналлар ташкил этилган.

“Марказ”нинг декрет ва қарорлари асосида Аму-Дарё вилоятида совет ҳокимиятига хос бошқарувни такомиллаштириш, аҳолини бўйсундириш, советча яшашга мажбурлаб кўндириш учун маҳаллий аҳолига қарши жиноятнинг дастлабки жазо ва айблов органлари ташкил этилган. Аму-Дарё вилоятида Фавқулодда комиссиялар (ЧК), Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ), Инқилобий трибуналлар, Адлия бўлими қошида Жазо бўлимлари, сон-саноксиз қамоққа олинганларни қамоқхоналарга жойлаштириш билан шуғулланадиган Ички ишлар халқ комиссариати қамоқхона бошқармаси таркибида Таксимловчи комиссиялар, партия судлари, ўртоқлик судлари ва бошқалар ўлкада кенг қамровли айблов ва қатағон ишларини амалга оширганлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бутун бир шаҳар ва уездлардаги аҳоли тақдири келгинди уч-тўрт одам томонидан ҳал этилган. РСФСР Конституциясининг 8-моддасидаги, Туркистон Конституциясининг 27-моддасидаги Туркистон халқларининг ҳуқуқ ва эркинликлари [1]. амалда террор йўли билан бўйсундириш, оммавий қатағонлар шаклида амалга оширилган.

Аҳвол шу даражага етганки, халқ судлари ва улар қошидаги тергов комиссиялари, Инқилобий трибуналлар ва улар қошида фавқулодда комиссиялар ташкил этилишига қарамасдан ҳокимият органлари ҳамда айрим шахсларнинг қамоққа олишга ҳуқуқи бўлмаса ҳам ўзбошимчалик билан одамларни оммавий равишда қамоққа олиш билан шуғулланган, хохлаган орган, хохлаган кишини қамоққа олган, қамоқхоналар ҳам ҳеч қандай қарорсиз одамларни қамоқда ушлаб турган [2].

Фавқулодда комиссиялар тугатилиб, унинг ҳуқуқ ва имкониятлари Давлат сиёсий бошқармасига берилган. 1922 йил 6 февралда РСФСР Ички ишлар халқ комиссариати қошида Фавқулодда комиссия ўрнига махфий Давлат сиёсий бошқармаси ташкил этилган. У 1923 йил 15 ноябрда “Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси” бўлиб қайта ташкил этилган. РСФСР “Ички ишлар халқ комиссариати ҳақида Низом”га биноан Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланган, “Давлат сиёсий бошқармаси ҳақидаги Низом”да Давлат сиёсий бошқармаси олдида чекланмаган имкониятлар берилган.

Давлат сиёсий бошқармаси суддан ташқари, судсиз жазолаш органи сифатида фаолият юритган. Унинг таркиби Давлат сиёсий бошқарма вакилидан, партия қўмитаси секретари ва прокурордан иборат бўлган. Улар советларга қарши бўлганларни маъмурий, яъни бир ҳудуддан иккинчи

худудга кўчирган, бадарға қилган, концентрацион лагерларга юборган. 1924 йил 31 январда қабул қилинган собиқ СССР Конституциясида ҳам Давлат сиёсий бошқармаларининг вазифаларига эътибор қаратилган ва унинг имкониятлари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. 1921 йил апрел ойида ВКП(б) сиёсий бюросида Давлат сиёсий бошқармаси фаолияти муҳокама қилинган. 1922 йил июн ойида эса, ВКП(б) Марказий қўмитаси кўрсатмасига биноан, Давлат сиёсий бошқармаси таркибида Шарқий бўлим ташкил этилган. Шарқий бўлимга Ўрта Осиё, Кавказorti, Татаристон, Бошқирдистон, Крым киритилган [3]. Ўрта Осиё ва Ўрта Шарк бўйича Ф.И.Эйхманс шуғулланган. Шундан кейин Туркистон, шу жумладан, Аму-Дарё вилояти аҳолисига нисбатан назорат ва қатағон яна ҳам кучайган.

Амударё вилоятида ҳам “Вилоят давлат сиёсий бошқармаси” ташкил этилган. Кимки ишдан бўшатиб, ишини ўзгартирса ёки ишга қирадиган бўлса, Давлат сиёсий бошқармаси ўша одам ҳақида 7 хил аниқ далилларни икки нускада, уч кун муддат ичида тайёрлаган. Агар кўрсатилган вақтда сўровномалар топширилмаса ёки хато тўлдирилса, жиноят кодексининг барча талаблари бўйича бошқарма вакиллари ҳам жазоланиши ҳақида огоҳлантирилган [4].

РСФСР Ички ишлар халқ комиссариати қошида 1922 йил 6 февралда Фавкулудда комиссиянинг ўрнига махфий Давлат сиёсий бошқармаси ташкил ташкил этилган. 1923 йил 15 ноябрда Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси бўлиб қайта ташкил этилган. (1934 йилгача фаолият юритган).

Унинг олий маъмурий ташкилий органи ҳайъат ҳисобланган. Махфий тезкор бошқарма 10 та бўлимдан иборат бўлган. Махфий бўлим таркиби 8 бўлимчалардан иборат бўлган. Улар фаолиятини асосий бўлим назорат қилган. Жойларда уларнинг бўлимлари ташкил этилган. Умуман олганда, Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси 3 та бошқарма, 1 та ҳарбий бош инспекция, 14 та бўлимдан ташкил топган. Давлат сиёсий бошқармаси фаолиятини РСФСР Адлия халқ комиссариати назорат қилган.

Давлат сиёсий бошқармаси барча ижроий қўмиталар қошидаги сиёсий бўлим фаолиятини назорат қилган. Бутун худудни назорат қилувчи Марказий бошқарма ҳисобланган. РСФСР “Ички ишлар халқ комиссариати ҳақида Низом” ва Бутун Россия Марказий Ижроий Қўмитаси томонидан тасдиқланган, “Давлат сиёсий бошқармаси ҳақида Низом” да Давлат сиёсий бошқармасига олдига чекланмаган имкониятлар берган.

Давлат сиёсий бошқармалар суддан ташқари, судсиз жазолаш органи сифатида фаолият юритди. Таркиби Давлат сиёсий бошқарма вакилидан, партия қўмитаси секретари ва прокурордан ибарат бўлган. Улар маъмурий кўчириш, бадарға қилиш, концлагерга юбориш билан шуғулланганлар

1924 йил 31 январда қабул қилинган собиқ СССР Конституциясида ҳам Давлат сиёсий бошқармаларининг вазифаларига эътибор қаратилган ва унинг имкониятлари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Бутун Россия Марказий Ижроий Қўмитасининг 6 февралда қабул этилган Декретининг 7 моддасига биноан жиноятчилик ҳаракатларини очиш,

тергов ишларини олиб бориш ва эшитиш учун суд органларига юбориш ҳукуки белгиланган. 1923 йилдан 1934 йилгача Давлат сиёсий бошқармаси Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси деб аталган, аммо уларнинг маҳаллий органлари Халқ комиссарлари совети қошида Давлат сиёсий бошқармаси деб аталишда давом этган.

1924-йил май ойидан бошлаб Давлат сиёсий бошқармаси [5]. прокурорлар билан биргаликда суддан ташқари тартибда ҳам бандитлик ҳақидаги жиноий ишларни биргаликда қараб чиққан ва тегишли ҳукм чиқарган [6].

Агар кўрсатилган вақтда сўровномалар топширилмаса ёки хато тўлдирилса, жиноят кодексининг барча талаблари бўйича жазоланган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI (REFERENCES)

1. Конституция Туркестанской Республики Российской Советской Федерации, принятая на 9-м Туркестанском съезде Советов 24 сентября 1920 года. // Сборник декретов, постановлений и распоряжений правительства ТССР. За 1917-1922 гг. Изд. Комиссии СНК. Т. 1923. -С. 3-4.
2. ҚРМДА. 113-жамғарма, 1-рўйхат, 1-йиғма жилд, 1-варақ.
3. WWW.dranc.ru/vostok.
4. ҚРМДА. 113-жамғарма, 1-рўйхат. 19- йиғма жилд. 3-варақ.
5. Милиция ва жиноят қидирув органлари ССР ички ишлар халқ комиссиярияти ва “Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси”нинг Махсус кўрсатмасига (инструкциясига) биноан уларга бўйсунган.
6. ҚРМДА. 116-жамғарма, 1-рўйхат. 21- йиғма жилд. 73-73-варақнинг орқаси.

DEPORTATSIYA QILINGAN XALQLARNING MAXSUS MANZILGOHLARDAGI HUQUQIY HOLATI.

THE LEGAL STATUS OF DEPORTED PEOPLES IN THEIR SPECIAL SETTLEMENTS

ПРАВОВОЙ СТАТУС ДЕПОРТИРОВАННЫХ НАРОДОВ В ИХ СПЕЦИАЛЬНЫХ ПОСЕЛЕНИЯХ

Shavkatbek Mahamadyunusov

Andijon Davlat Universiteti,

tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), v.b.dotsent.

e-mail: beklarbegi0@gmail.com

Tel: +998 93 441 10 08

Annotatsiya.

Mazkur maqolada Ikkinchi jahon urishi yillarida SSSRda deportatsiya qilingan xalqlar joylashtirilgan maxsus manzilgohlarni tashkil etish xususiyatlari va ularni boshqaruv-nazorati, Sovet davlatining jazo tizimi tomonidan deportatsiya qilingan xalqlar huquq va erkinliklarining cheklanishi, majburiy ko'chirilganlarga nisbatan maxsus komendaturalar tomonidan o'rnatilgan ma'muriy to'siq va cheklovlarining og'ir oqibatlarini masalalari tahlil etilgan.

Аннотация